

Тазкия дарслари (52-дарс). Тасаввуфга хос истилоҳли сўз (иккинчи мақола)



13:30 / 28.09.2019 5907

Ибн Қудома Мақдисий самоъ ҳақида қуйидагиларни ёзади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёки у зотнинг саҳобаларидан бирортасининг ҳам бу номаъқул йўлга юрганлари нақл қилинмаган. Ҳеч замонда кечаси тонг отгунча самоъ билан Аллоҳ таолога қурбат ҳосил қилинмаган. Ҳеч ким «Ким рақс тушса, унга бунча савоб бўлади», дегани йўқ. Ҳеч ким «Қўшиқ қалбда иймонни ўстиради», дегани йўқ. Ҳеч ким «Уларни эшитишда ажр бор», дегани йўқ!»

Самоънинг мазаммати ҳақидаги фуқаҳоларнинг фатволари жуда ҳам кўп. Уларни қайта-қайта такрорлаб ўтирмаймиз. Минг афсуслар бўлсинки, кўпчиликнинг маломатига сабаб бўлган ўша ҳолатлар ҳозир ҳам баъзи бир

жойларда давом этиб келмоқда.

Аммо бизнинг диёрларимизда асосан Нақшбандия тариқати кенг ёйилгани учун, бу нарсалар тарқалмай қолган. Бу ерларда самоъда баъзи байтларни мусиқасиз, оҳанг билан айтиш бор. Буни эса ҳозирги замонимизда тасаввуфда кўпгина илмий ишлар олиб борган кишилар ҳам жоиз нарса сифатида эътироф қиладилар.

Устоз Саъид Ҳавво раҳматуллоҳи алайҳи ўзининг «Тарбиятунар-руҳия» номли китобида қуйидагиларни ёзади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобалар билан ўтказган ҳаётлари давомида «ҳадаа» маълум нарса бўлган. (Ҳадаа – шеърни хиргойи қилиш.) Баъзилар юриб кетаётиб, ҳадаа айтган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари ҳам ҳадаада иштирок этганлар. Саҳобалар шеър айтар эдилар. Ўша шеърларнинг баъзилари оҳанг билан айтиларди. Баъзиларини қизлар, баъзиларини эркаклар иш ва юриш давомида айтганлар.

Аммо саҳобалар розияллоҳу анҳумнинг доимий бўлмаса ҳам, ғолибо самоълари Қуръони Карим бўлган.

Шеър айтиш ёки ўқиш ҳам бўлган. Лекин бу нарсалар асосан дам олиш пайти, хурсандчилик ва тўй муносабатлари ила бўлган.

Ибн Касир, Ибн Мурдавайҳи ва Насай Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қиладилар:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Сизларнинг бирортангиз бир оёғини иккинчисининг устига қўйиб олиб, қўшиқ айтаётганини зинҳор кўрмай. Бақара сурасини ўқимай қўймасин. Шайтон Бақара сураси ўқилган уйдан қочади. Албатта, уйларнинг энг кичиги Аллоҳнинг Китобидан холи бўлганидир», деганлар.

Бу эса саҳобалар ҳаётида асосий самоъ Қуръони Карим бўлганини билдиради.

Шеърнинг ҳам ўз ўрни бор. Лекин бу нарса уларнинг ҳаётида худди таомга қўшиладиган туз каби бўлган. Шунингдек, уларнинг ҳаётида оҳанг билан бир нарса айтишнинг ҳам ўрни бўлган. Аммо бу нарсалар уларнинг улкан ишлар билан тўлиб-тошган улуғ ҳаётларидан оз жой эгаллаган.

Бу гаплар баъзи сўфийларга эътироз сифатида айтиладиган нуқталардан биридир. Уларнинг ҳаётида оҳанг ва гўзал овоздан ҳузурланиш саҳоба розияллоҳу анҳумнинг ҳаётларидагига қараганда катта улуш олгандир».

Ўша чегараланган самоъ вақтида ҳам одобга риоя қилиш қаттиқ таъкидланади. Тўғри йўлдаги сўфийлар бу борадаги одобларни ҳам тартибга солганлар:

1. Самоъ вақтида гапирмаслик.
2. Беҳуда нарсалар билан шуғулланмаслик.
3. Табассум қилмаслик.
4. Овозини баланд қилмаслик.
5. Кийим-бошини йиртмаслик.
6. Бошини қимирлатмаслик.
7. Қарсак чалмаслик.
8. Самоъ учун махсус тўпланмаслик.
9. Самоъ бўлмаса, ахтармаслик.
10. Танбур чалиш ва «Яшанг, яшанг», дейиш бўлмаслиги.
11. Тор бўлмаслиги.
12. Доира ҳам, дўмбира ҳам бўлмаслиги.
13. Шам, тўшаклар ва ёстиқлар бўлмаслиги.

Бу борада Нақшбандия тариқати жуда ҳам қулай ҳолатда бўлиб келган. Чунки суннатга энг яқин деб эътироф қилинган бу тариқатда одатдаги зикрни ҳам овозни чиқармай қилиш йўлга қўйилган.

(Тамом)

«Тасаввуф ҳақида тасаввур» китобидан